XX аср бошларида амирликдаги ҳаддан ташқари зулмга қарши антифеодал ҳаракат кучая бошлади. Бу даврда Бухорода ишчилар синфи бўлмаганлиги учун антифеодал ҳаракатга энидигина шаклланаётган миллий буржуазиянинг прогрессив қисми ва интеллигенция раҳбарлик қила бошлади. Миллий буржуазия амир ҳукмронлигига қарши кураша бошлаган биринчи ўринга эволюция меҳнаткашларнинг манфаатини эмас, балки ўзининг тор синфий манфаатларини қўйди. Миллий буржуазиянинг мақсади амир ҳукмронлигини, феодал муносабатларни чеклаш асосида капитализмнинг ривожланиши учун кенгроқ имкониятлар яратиш учун курашдангина иборат эди.

Бухорода буржуазия манфаатини ҳимоя қилувчи кишилар — жадидлар эди. Ана шу шароитларда Бухорода 17 ёшли Файзулла Хўжаев кураш майдонига чиқди. У даставвал жадидлар ҳаракатида иштирок этди. Файзулла Хўжаев жадидлар сафида бўлган бўлса ҳам қатор масалаларда жадидлар ҳаракатининг бошқа раҳбарларига нисбатан кўпроқ ва узоқроқни кўра билди. 1917 йилда у Ёш бухороликлар партиясини ташкил қилишда актив иштирок этди.

Буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Бухоро халқларига ва ундаги революцион жараённинг чуқурлашишига катта таъсир кўрсатди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ёш бухороликларнинг амир ҳукмронлигига қарши бўлган кураши тобора кенгайиб, аниқ сиёсий ва иқтисодий масалалар кун тартибига қўйила бошлади. Бу даврларда Файзулла Хўжаев Туркистондаги Совет ҳокимиятини амир ҳукмронлигига қарши курашда ёрдам бериши мумкин бўлган иттифоқчигина деб биларди. У ҳали Россия ишчилар синфи, ёш Совет давлати билан сиёсий, синфий иттифоқ тузиш заруриятини тушунибгина етмаган эди. 1917 йил декабрида у ёш бухороликлар номидан амир ҳукмронлигига қарши курашга ёрдам кўрсатишни сўраб Туркистон ҳукуматига мурожаат қилди.

Файзулла Хўжаев Бухоро амири олдига сиёсий ҳокиматни ёш бухороликларга топшириш талабини қўйди. У Бухорода ўрнатилиши лозим бўлган сиёсий ҳокиматнинг формасини феодализм билан капитализмнинг синтезидан иборат деб тушунар эди. Бошқача қилиб айтсак, бу даврда Файзулла Хўжаевнинг сиёсий идеаллари буржуазиянинг конституцион монархия ғоясидан нарига ўтмаган эди.

Амир ҳокиматини қурол кучи билан йиқитиш учун бўлган уринни барбод бўлганидан кейин, Бухорода сиёсий оппозицияга қарши қонли репрессиялар ўтказилди. Ана шу тарихий сабоқни ўрганиш, умумлаштириш орқасида Файзулла Хўжаев революциянинг вазифаси амир ҳукмронлигини чеклашгина эмас, балки уни бутунлай тугатишдан иборат бўлиши керак, деган хулосага келди. Бундай фикрга ёш бухороликларнинг маълум қисми келган эди. Айрим сиёсий масалалар юзасидан бўлган ихтилофлар натижасида Ёш бухороликлар партияси бўлиниб кетди. Партиянинг сўл қанотидан Бухоро коммунистлари ажралиб чиқдилар. Бундан ташқари, революционер ёш бухороликлар группаси ҳам пайдо бўлдики, улар ўз олдиларига амир ҳукмронлигини ағдариш ва демократик республика ўрнатиш вазифасини қўйдилар. Революционер ёш бухороликларнинг раҳбари Файзулла Хўжаев эди.

Бухоро коммунистлари оммаининг манфаатларини ифода қилиб, ўз олдиларига амир ҳокиматини ағдариш, хусусий мулкчиликка барҳам бериш, кишининг киши томонидан эзилишини тугатиш вазифаларини қўйдилар.

1918 йилги март воқеаларидан кейин Файзулла Хўжаев Туркистонга ва сўнгра Москвага борди. Бу ерда у Россия пролетариати революцион ҳаракати, Октябрь социалистик революциясининг тарихий тажрибасини, илмий социализм ғояларини чуқурроқ ўрганиш имконига эга бўлди. Катта сиёсий кураш тажрибасига эга бўлган рус революционерлари билан яқиндан алоқада бўлиш, улар билан фикрлашиш ҳам Файзулла Хўжаевнинг ғоявий камолотида катта аҳамиятга эга бўлди. У синфий кураш социалистик революция, пролетариат диктатураси ҳақидаги марксизм-ленинизм таълимотини ўрганча бошлади. Булар — унинг сиёсий қарашларида жиддий ўзгаришлар рўй беришига олиб келди.

1920 йил 16 августда Чоржўй шаҳрида бўлиб ўтган Бухоро коммунистик партиясининг IV съезди амирликка қарши курашда мамлакатдаги барча революцион кучларни бирлаштириш мақсадида революционер ёш бухороликлар билан иттифоқ тузиш ҳақида қарор қабул қилди.

1920 йил август ойида меҳнаткаш оммаининг амир истибдодига қарши кескин кураши бошланди. Файзулла Хўжаев революцион комитетнинг раиси қилиб сайланди. Қўзғолон кўтарган Бухоро халқи амир зулмига қарши курашда ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб РСФСР меҳнаткашларига мурожаат қилди. Шу масъулиятли даврда Россия пролетариати, унинг қуролли кучлари Бухоро халқига ўзининг дўстона ёрдам қўлини чўзди. Бухорода халқ революциясининг ғалаба қилиши муҳим тарихий воқеа бўлди. Халқ революцияси ғалаба қилгандан сўнг бир неча кун ўтгач, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги революцион ёш бухороликлар ўз партиясини тарқатиб юбориш ва Бухоро коммунистик партиясига кириш ҳақида қарор қабул қилди. Бухоро Коммунистик партияси сафига биринчи бўлиб Файзулла Хўжаев кирди. У шу кунининг ўзидаёқ партия Марказий Комитети составига киритилди.

1920 йилнинг 6-8 октябрида Бухорода халқ вакилларининг биринчи Умумбухоро қурултойи очилди. Қурултой Бухоро Халқ Совет Республикасини эълон қилди ва ёш республика Халқ Нозирлари Советининг Раиси қилиб Файзулла Хўжаевни сайлади. Бухоро Коммунистик партияси республикада демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг етакчиси ва ташкилотчиси бўлди ва ўз фаолиятининг ҳар бир даврида РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюроси билан яқиндан алоқа боғлаб иш кўрди.

1921 йил апрель ойида Бухоро Коммунистик партияси мустақил партия сифатида III Коммунистик Интернационалга қабул қилинди. 1922 йил бошида эса РКП(б) составига кирди. Файзулла Хўжаевнинг Совет тузумини мустаҳкамлаш, Коммунистик партия ғояларини амалга ошириш учун қилган жўшқин ҳаракати Бухоро республикаси Халқ Нозирлари Совети Раиси лавозимида ишлаган даврда яна ҳам яққол кўзга ташланди.

Бу даврда амирлик тузумидан жуда чуқур иқтисодий ва сиёсий қолоқлик мерос бўлиб қолган эди. Бу қолоқликка барҳам бериш ёш республикининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётини кенг кўламда амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири эди. Мураккаб шароитларда оммаининг фаолиятига раҳбарлик қилиш, турли контрреволюцион кучларга зарба бериш, омма ўртасида кенг кўламда маданий, сиёсий-тарбиявий ишлар ўтказиш Файзулла Хўжаевдан жуда катта раҳбарлик таланти ва истеъдод талаб қилар эди. Бу шароитларда демократик революцион вазифаларни бажаришни мунтазам амалга ошириш, бевосита социалистик ўзгаришларга ўтиш учун имконият ҳам ҳозирлаш зарур эди.

Бухоро ҳукумати ва Совет ҳукумати унинг хизматларини юксак даражада тақдирлади. У биринчи даражали Бухоро Халқ Совет Республикаси Давлат ордени билан, босмачиларга қарши курашдаги фаолияти учун жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Файзулла Хўжаев ленинчи интернационалист сифатида пролетар интернационализми ғояларини изчил амалга оширишга, халқлар дўстлигини, биринчи навбатда рус халқи билан дўстликни мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилди.

1925 йил февраль ойида Ўзбекистон ССР Советлари биринчи съездида Файзулла Хўжаев Республика Халқ Комиссарлари Советининг Раиси ва Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I, II, III, IV, V, VII съездларида Марказий Комитет бюро аъзоси қилиб сайланди. 1925 йил СССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг сессиясида СССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси ва Ранс ўринбосари қилиб сайланди. Файзулла Хўжаев ВКП(б) XII, XIV, XV, XVI, XVII съездларининг делегати эди. Унга Ўрта Осиё республикалари вакиллари ўртасида биринчи бўлиб Армия қўмондони деган қарбий унвон ҳам берилди.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ҳукумати бошлиги сифатида республикада социализмнинг пойдеворини барпо этиш, социализм ғалабасини таъминлаш, маданий революцияни амалга ошириш ишига катта ҳисса қўшди. У Ўзбекистонда саноат тармоқларини, йирик саноат корхоналарини барпо этишда бевосита иштирок этди. Республикада ёқилғи саноатини барпо этиш ва ривожлантиришда, Тошкент тўқимачилик комбинати. Чирчиқ электрохимия комбинати сингари йирик саноат корхоналарини барпо этишда унинг хизматлари ниҳоятда каттадир. Файзулла Хўжаев республикада пахтачиликни ривожлантириш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Республикада кўпгина янги ерларни ўзлаштириш ва 50 дан ортиқ ирригация иншоотларини барпо этиш Файзулла Хўжаевнинг номи ва фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Янги маданиятнинг тарғиботчиси ва жонкуяри сифатида социалистик маданий революцияни амалга оширишда ҳам оммаининг фаолиятига раҳбарлик қилди.

Ўзбекистонда социалистик қурилиш ниҳоятда мураккаб шароитларда амалга оширилди. Республика партия ташкилоти партия Марказий Комитети раҳбарлигида социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини конкрет шароитларга ижодий татбиқ қилди. Идеологик кураш борасида ҳам бу даврда маълум қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келди. Республика партия ташкилоти буржуа миллатчилар, шовинистлар, троцкийчи-бухаринчиларга қарши кескин кураш олиб борди. Улар коммунистик партиянинг социалистик қурилиш борасидаги тадбирларига қарши чиқиб, революция ютуқларини барбод қилмоқчи. халқларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлигига раҳна солмоқчи эдилар. Марксизм-ленинизм ва социализм душманларига қарши бўлган бу ғоявий курашда Файзулла Хўжаев ҳам актив иштирок этди. У ўзининг Ўзбекистон Коммунистик партияси III съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Менинг учун, шунингдек партия ва ишчилар синфининг ишига хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай партия аъзоси учун бизнинг партиямиз ҳимоя қилаётган йўлдан ва ҳақиқатдан бошқа ҳеч қандай йўл ва ҳақиқат. Бутунииттифоқ Коммунистик партияси амалга ошираётган маслакдан бошқа ҳеч қандай маслак, бутун партия ва унинг олий органлари белгилаб берган сиёсатдан бошқа ҳеч қандай сиёсат йўк ва бўлиши ҳам мумкин эмас».

Файзулла Хўжаев социалистик мамлакатнинг биринчи Конституциясини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этди. У Ўзбекистон ССР янги конституциясининг проектини ишлаб чиқувчи комиссиянинг аъзоси ҳам эди.

Файзулла Хўжаев тарихчи олим сифатида миллий озодлик ҳаракатларининг тарихи ва назарияси, социалистик қурилишнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга бағишланган бир қанча илмий асарлар ҳам ёзди.

Социалистик қурилишнинг дастлабки даврларида Файзулла Хўжаев ўз фаолиятида маълум камчиликларга ҳам йўл қўйди. Лекин у ҳақиқий коммунист, содиқ ленинчи сифатида бу даврда ҳам ўз камчиликларига танқидий қарай билди Партия Марказий Комитети, партиядош ўртоқларининг танқидий мулоҳазаларига қулоқ солиб ўз хатоларини тузатди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Биз Икромов, Охунбобоев, Морозов, Хўжаев ва бошқа Коммунистик партиянинг содиқ фарзандлари хотирасини ҳурмат билан эсга оламиз». Авлодларнинг хотирасида Файзулла Хўжаев ҳар доим революция ва партия фарзанди, социализм иши учун, пролетар интернационализми ғояларининг тантанаси учун ҳормас-толмас курашчи сифатида қолади.

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директори.

ЎНЛАР ТАШАББУСИ ИЗДОШЛАРИ

САФДА

- КАСБГА САДОҚАТ
- ИЖОДКОРЛИК — ҲАР БИР ИШЧИНИНГ ЖОНАЖОН ИШИ
- ЯНГИ ТАШАББУСЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўрта ёш, ўрта бўй, серғайрат бу жонкуяр кишини корхонада ҳамма танийди. Агар бирор сабаб билан у киши тўғрисида бирор жойда гап юритиладиган бўлса ветеран ишчимиз, деб фахрланишади. Чиндан ҳам шундай. Чунки, корхонада бирор ҳайрли иш бошланғудек бўлса унинг бош иштирокчиси шу одам бўлиши турган гап.

Бордию, ишда бирор янгилик ёки ташаббус пайдо бўладиган бўлса ҳам Исмоил Қоратоев унинг бошида, қошида бўлади. Чунки, элюртнинг бахт-саодати учун, бойлиги, фароғати учун бўладиган яхши ҳаракатларнинг кузатувчиси, томошабини бўлиб яшаш Исмоил аканинг табиатига бутунлай ёт нарса.

— Фақат ўзим бўлай, ўзим учун ишлай, деган замонлар ўтиб кетган. Бундай фикр эски дунё билан бирга кўмилган, — дейди Исмоил ака.

Мана у шу зайлда бир ишхонада, тўғрироғи, «Таштекстильмаш» заводида чорак асрдан ортиқроқ вақтдан бери сурункасига меҳнат қилиб келаётир Бу йиллар унинг фаолиятида ҳам ғоятда баракали бўлди. Касб ўрганди, меҳнатда чиниқди, билим олди, қанчадан-қанча тажриба орттирди. Натижада ўз ҳалол меҳнати билан танилди, яхши ҳислатлари билан бошқаларга ибрат бўлиб келяпти.

Тўқкизинчи беш йилликнинг баракали соналари Исмоил Қоратоевнинг фаолиятида ҳам яхши из қолдирди. У беш йил ичида ўн йиллик учун мўлжалланган маррага яқинлашди.

Республикамиз фидокор ишчилар синфининг вакиллари қуруvчи ва бошқа касбдаги заҳматкашлар ўнинчи беш йилликнинг бошланишида ҳам ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар ўнинчи беш йиллик мобайнида икки беш йиллик планни бажариш ҳаракатини авж олдириб юборишди. Бу янги ҳаракатга «Таштекстильмаш» заводидан Исмоил Қоратоев ҳам биринчи бўлиб қўшилди.

Новатор ишчининг меҳнат дафтарчасига назар ташлар экансиз, унинг ҳозирги пайтда 1977 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишлаётганини ва кўплаб маҳсулот тайёрлаб беришда ўз ҳамкасбларидан анча ўзиб кетганлигини кўрасиз. Корхонанинг кекса ишчиси бу ютуқларга осонликча эришаётгани йўқ.

— Ўнумли меҳнат қилиш шунчаки илдам ҳаракат қилиш билангина қўлга киритилмайди, — дейди Исмоил ака, — бунинг учун энг қулай ва энг мукаммал йўлларни қидириб топиш ҳам лозим бўлади.

Дарҳақиқат, моҳир ишчининг ўз дастгоҳларида меҳнат унумдорлигини оширишга жуда кўп нарсалар ёрдам берянти. Чунки, у аввало ишнинг етук шакл ва усулларини доимо қидиради, изланади, фикрлайди. Хуллас, у ўзининг қадрдон дастгоҳлари, меҳнат даргоҳи билан ҳамиша бирга яшайди. Шунинг учун ҳам янгиликлар у томон қучоқ очиб келади, қулай иш усуллари унга ўз сирларини «ҳикоя» қилиб беради.

Яқинда Исмоил Қоратоев навбатдаги янгича иш усулида ишлашга кўчди. Ўта мустаҳкам қотишмалардан ясалган пичоқ ва матрицалардан фойдаланишни корхонада биринчи бўлиб кўлланди. Бундан ўрнак олган бошқа ишчилар ҳам унинг тажрибасидан фойдаланиб, шу зайлда илғор усулда ишлашга киришдилар.

Ветеран ишчи корхонанинг энг фаол ижодкор рационализаторларидан ҳисобланади. Унинг ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, кўплаб ишлаб чиқаришга имкон берувчи янгиликларни жорий этиш юзасидан амалга оширилган таклифлари қанчадан-қанча иқтисодий самара бермоқда.

Яқинда у ўз автоматларидан бирида тўрт қиррали гайка ишлаб чиқариш юзасидан навбатдаги рационализаторлик таклифини тақдим этди. Ҳозирги кунда эса шу янгиликни корхонада кенг жорий этиш учун тер тўкиб меҳнат қиляпти. Аввал бу деталь анча қийин усулда — пресслаш усулида тайёрланар эди. Бунинг учун кетма-кет олтита операцияни бажариш лозим бўларди. Янги таклиф бўйича бу олти операция ўрнида фақат икки операциянинг ўзидаёқ деталь тайёрланаверадиган бўлди.

Бу янгилик ҳозирнинг ўзидаёқ самарасини бера бошлади. Масалан, илгари беш нафар ишчи бир сменада ўрта ҳисобда ўн мингта гайка ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирги пайтда Исмоил Қоратоевнинг ўзи бир сменада йигирма мингтадан кўпроқ шундай деталь ишлаб беришга эришмоқда.

Бу ҳазил гап эмас. Шунинг учун ҳам «Таштекстильмаш» заводининг новатор ишчиси — темирчилик-пресслаш цехининг илғор автоматчиси Исмоил Қоратоевнинг ўз коллективи бағрида юксак ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлаётганлигининг боиси ҳам шунда. У ўз ҳалол меҳнати, ижодий изланиши, фақат янгилик, яратувчилик иши билан шуғулланиши ва бу йўлда камол топаётганлигининг ҳам боиси шунда.

Яқинда унинг иш фаолиятида яна бир янги ҳаракат бошланди. Шу пайтгача у бир йўла 14 дастгоҳда ишлаб келаётган эди. «Ўнлар ташаббуси»га қўшилганидан кейин эса, яна қўшимча иккі дастгоҳни бошқаришга ўтди. Демак, айни пайтда у бир йўла 16 дастгоҳни бошқариб, энг зарур деталларни кўплаб ишлаб чиқаришга эришмоқда.

— «Ўнлар ташаббуси» ҳақиқатан ҳам ажойиб ташаббус, — дейди Исмоил ака, — ҳақиқий ишчиман деган умид билан цехга, дастгоҳи ёнига келувчи одам шундай қилиши лозим. Буюрган ишни қилиб, қолган пайтда қўл қовуштириб туриш кирдан ишчининг йўли эмас.

Исмоил ака ўз корхонасида моҳир тарбиячи ва меҳрибон мураббий. Унинг қўлида қанчадан-қанча ёш ишчи касб-ҳунар ўрганди, тарбия топди Қанчадан-қанча ишчилар ундан ўрнак олиб ишлади, қилаётган меҳнати ва юриш-туришидан сабоқ олди. Ҳозир ҳам унинг шогирдлари устозларидан миннатдор бўлиб, ишчилик касбкорининг завқ-шавқи билан меҳнат қилмоқдалар.

Корхонада Исмоил ака Қоратоев сингари ишчилар кўплаб топилади. Бундай жафокаш, меҳнаткаш ишчилар ҳар бир цехда, участкада, бригадада бор. Уларнинг ҳалол, ижодий меҳнатлари билан пландан ташқари сифатли деталлар, пландан ташқари кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Завод коллективи томонидан ишлаб чиқарилаётган машина ва механизмларнинг бунёдга келишида Исмоил ака сингари ажойиб меҳнатсевар кишиларнинг ғоятда катта ҳиссаси бор.

Я. ТУХТАЕВ.

МУСТАҲКАМ ВА АДОЛАТЛИ ТИНЧЛИК УЧУН

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун кураш совет комитети Европада хавфсизлик ва ҳамкорлиққа бағишлаб Хельсинкида ўтказилган кенгашнинг тамом бўлганига ва Якунловчи акт имзоланганлигига 1 августда бир йил тўлиши муносабати билан баёнот берди.

Баёнотда мамнуният билан таъкидлаб ўтиладики, ўтган бир йил давомида Европада тинчлик мустаҳкамланди, Якунловчи актда кўзда тутилган барча соҳаларда кенгашнинг аҳдномаларини амалга ошириш йўлида муайян қадамлар қўйилди. Баёнотда КПСС XXV съездида қабул қилинган тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашни давом эттириш программасида халқаро кескинликни юмшатишни янада чуқурлаштиришнинг кенг истиқболлари белгиланганлиги таъкидланади.

Совет комитети, дейилади баёнотда, Якунловчи актнинг мустаҳкам асосга қоидаларини бажариш асосида кескинликни юмшатишни давом эттириш ва чуқурлаштиришни, халқаро муносабатларни тобора соғломлаштириш сиёсатига нисбатан бўлаётган хуружларга қарши курашни изчиллик билан талаб қилаверади. Сиёсий кескинликни юмшатишни ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан боғлаб олиб бориш учун кураш жамоатчилик кучларининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Венада ва Женевада ўтказилаётган мулоқаларда мухокама қилинаётган қуролсизланиш проблемаларини ҳал этиш учун барча имкониятлар мавжуддир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашувчи Совет Комитети ўз баёнотида тинчликни эъзозлаётган ҳамма кишиларга мурожаат қилиб, Якунловчи актнинг қоидаларини моддийлаштириш учун курашга актив қўшилишга чақирди ва инсониятнинг эзгу мақсадига — мустаҳкам ва адолатли тинчликни барқарор қилишга эришиш йўлида яна муваффақиятлар қўлга киритилади, деб умид билдирди.

(ТАСС).

ФАН ОЛАМИДА

ПИШИҚЛИК КРИСТАЛЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси С. В. Стародубцев номли физика-техника институтининг олимлари биринчи бор катта диаметрли молибден монокристалларини ҳосил қилдилар. Бугунги техникада қийин эрийдиган металларнинг шундай кристаллари зарур. Аммо уларни ҳосил қилиш айни юксак эриш ҳарорати, дастлабки материалнинг қимматбаҳо активлиги, катталиги билан боғлиқ бўлган ғоят катта қийинчиликлар билан алоқадордир.

Тошкентлик физиклар электрон нур воситасида томчилаб эритиш методини қўлладилар. Бунинг учун Е. О. Патон номли электропайвандлаш институтида ишлаб чиқилган махсус установкадан фойдаланилди. Молибденни вакуумда эритиб, сўнгра тегишли монокристаллик моғи бўлган кристаллизаторларда тутдилар. Шу моғ катта молибден доналари олиш учун негиз бўлди.

Тадқиқотлар монокристалларнинг юксак сифат хусусиятларига эга такомиллашган структурада бўлишини кўрсатди. Олимлар ишлаб чиққан методика нафақат молибдендан эмас, балки вольфрамдан, бошқа қийин эрийдиган металлардан ҳам шундай монокристалл ҳосил қилишга имкон беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ҚЎЙЛАРДАН КЎПРОҚ ЖУН ОЛИНМОҚДА

Тошкент областидаги Охунбобоев номли совхоз чорвадорлари олимлар билан ҳамкорликда қўйларнинг маҳаллий наслини ҳам яхшиладилар. Улар думбали жайдари қўйларни саража наслидан бўлган арим майин жунли қўчқорлар билан чатиштирдилар. Чатиштириш натижасида чиқиндга келган янги наслли қўйларнинг гўшт сифати сақлаб қолинди, айни пайтда шундай қўйлардан жун кирқиб олиш икки баравар кўпайди.

Бу тажриба Фарғона водийсидаги хўжаликларга тавсия этилди. Тошкент областидаги Охунбобоев номли совхоз ва Фарғона областидаги Ленинград колхози зотли қўчқорларни етиштириб берадиган репродуктор бўлиб қолди. Республикада шу йилнинг ўзидаёқ гўшти, ҳам жуни учун боқиладиган қўйларнинг сони 46 минг бошга етади.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

МУСОБАҚА-ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Тошкент ва Жиззах областларининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда улкан марраларни эгаллаш иштиёқида умумхалқ социалистик мусобақасини тобора авж олдирмоқдалар. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ», «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА», «ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ», «ДЖИЗАКСКАЯ ПРАВДА» газеталарининг кечаги қўшма сони ана шу мавзуга бағишланди. Газета саҳифаларида Ўзбекистон КП Тошкент ва Жиззах область комитетларининг секретарлари А. Икромов ва М. Ҳасанов, Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг донгдор бригадири Расул Ҳайдаров, КПСС XXV съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Валиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев ва ҳар икки область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа илғор кишилари ўз мақолалари билан қатнашганлар. Социалистик мусобақа туфайли эришилаётган ютуқлар жўшқин сатрларда ва публицистик руҳ билан ҳикоя қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТЛАРИНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

Ўзбекистон чорвадорлари беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини тўла ва ортиғи билан бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Колхоз ва совхозлар чорва туёғини ва паррандаларни кўпайтириб, уларнинг маҳсулдорлигини оширмоқдалар, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш суръатларини кучайтирмоқдалар. Йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар кўпроқ етиштирилди.

Ем-хашак тайёрловчилар учун жиддий синов даври бошланди. Жамоат чорвачилиги учун юқори сифатли ем-хашак тўплаш ва чорва молларни етарли миқдорда ем билан таъминлаш учун кураш олиб борилмоқда. Бу йилги қулай табиий иқлим шароитлари кўпгина хўжаликларга, районларга ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиш ва ем-хашак тайёрлаш юзасидан қўшимча мажбуриятлар олиш имкониятини берди.

Республикадаги пешқадам хўжаликлар прогрессив иш усулларидан фойдаланиб, фермаларни хашак ва ширали озуқа билан етарли даражада таъминлаб қўйдилар. Бу йил механизациялашган ем-хашак тайёрловчи 2380 тадан зиёд бригада хашак тайёрлашда, сенаж бостириш ва витаминли ўт талқони ҳозирлашни давом эттирмоқда, 2-3 йилга етадиган ем-хашак запасини ғамлаб қўйишга интилмоқда. Республика Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон хўжаликларида 26 июлда ҳамма жойда экилган ва табиий ўтларнинг учинчи ўримига киришилди. 948 минг тонна ёки планнинг 19 проценти миқдорида пичан тайёрлаб қўйилди, ўраларга 1 миллион 788 минг тонна сенаж бостирилди бу эса ўтган йилдагига нисбатан 375 минг тонна кўпдир. Бултургига нисбатан 5,6 минг тонна кўп витаминли ўт талқони ишлаб чиқарилди. Хашак эса 771 минг тонна кўп тайёрланди.

Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент областларининг хўжаликлари хашак тайёрлаш планларини анча ортиғи билан бажариб, эндиликда социалистик мажбуриятларини бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Бўз, Зомин, Гулистон, Янгиқўрғон ва Калинин районларининг хўжаликлари хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқларни ортиғи билан бажардилар.

Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозлари ўраларга сенаж бостириш соҳасида катта иш қилмоқдалар. Бу областлар ишни тўғри ташкил эта олдилар. Жиззах области белгиланган топшириқни 119,4 процент, Қашқадарё области 119,2 процент ва Сурхондарё области 100 процент қилиб бажарди.

Республикадаги 47 та район сенаж бостириш топшириғини бажариб қўйди. Хўжаобод, Марҳамат, Ромитан, Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах, Қамаши, Қарши, Шаҳрисабз, Пастдарғом, Гулистон, Бўка, Қўйи Чирчиқ, Янгийўл районлари энг яхши натижаларга эришдилар.

Республика хўжаликлари витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш соҳасида ҳам анчагина иш қилмоқдалар. Тошкент, Сурхондарё ва Андижон областларида бу қимматли озуқани ишлаб чиқариш яхши ташкил этилган. Бу областларда белгиланган топшириқ 35-47 процент бажарилди. Лекин Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах ва Бухоро областларининг колхоз ва совхозларида план топшириқларини бажаришда аввалгидек орқада қолмоқдалар.

Республикадаги кўпгина хўжаликлар олинган юксак мажбуриятлар ҳисобига ем-хашак тайёрлаб, мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Аммо хашак тайёрлашда жуда орқада қолаётган ва бугунга қадар топшириқни бажармаган районлар ҳам бор. Булар — Кегайли, Чимбой, Навоий, Томди, Хонқа, Шовот, Чуст, Уйчи, Қўрғонтепа, Нишон, Чирокчи, Косон, Булунғур, Нарпай, Хатирчи, Шеробод, Термиз, Бойсун, Фрунзе, Олтиариқ ва Бағдод районларидир.

Бу районларда ем-хашак тайёрлаш планларини бажаришда ғоят ташвишли аҳвол юз берди. Маҳаллий қишлоқ хўжалик, совет ва партия органлари аҳволни тузатиш учун дарҳол сира кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни кўришлари керак. Ана шу хўжаликларда ем-хашак тайёрлайдиган бригадаларга қўшимча транспорт, механизмлар ажратиб бериш, одамларнинг кучидан ва ўрим-йиғим техникасидан унумлироқ фойдаланиш лозим.

Ҳозир республиканинг деярли барча областларида маккажўхоридан силос бостиришга киришилди. Жиззах ва Сирдарё областлари бу ишларни уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар. Лекин умуман республика бўйича олганда силос бостириш суръатлари ўтган йилдаги даражадан кейинда қолмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Наманган, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва бошқа областлардаги хўжаликлар силос бостиришга ҳали киришганлари йўқ ёки ўраларга жуда кам миқдорда силос бостиришди. Хўжаликларнинг раҳбарлари ,мутахассислари силос бостирадиган техника ремонтининг қисқа муддатларда тамомланишини таъминлашлари, ҳосилни йиғиштириб олиш пайти келган маккажўхоризорларда ўрим-йиғим ишларини кенг авж олдириб юборишлари, силос комбайнларидан юқори унумли фойдаланишига, силосни сифатли қилиб ва қисқа муддатда бостиришга эришишлари лозим. Сўталардаги дон йиғиштириб олинганидан кейин маккажўхори поясидан силос бостиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Маккажўхори поясидан силос бостирганда унга ширали озуқалар қўшилиши шарт.

Бу йил пояси дағал ўт ҳам кўп тайёрланмоқда. Ем-хашакнинг озуқавий қимматини бутун усуллар билан ошириш, шу жумладан, уларни қайта ишлаб, қимматли донадор озуқага айлантириш талаб этилади. «АВМ» ва «ОГМ» маркали мавжуд агрегатларнинг ҳаммасидан фойдаланиш, уларнинг юқори унумли ишлашини таъминлаш ҳамда донадор озуқа ишлаб чиқариш юзасидан топшириқларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш зарур.

Ем-хашак тайёрлашда ҳал қилувчи давр бошланди. Ҳозир партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ўз асосий эътиборларини барча резервлардан тўғри ҳамда тўлароқ фойдаланишга, меҳнат резервларининг ҳаммасини ем-хашак жамғаришга ҳамда пичан, сенаж, силос, витаминли талқон ва бошқа озуқаларни тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни ҳар бир колхоз ва совхозда сўзсиз бажаралишига сафарбар этишга қаратишлари лозим.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

«РЕМОНТ ТАМОМ» ДЕЙДИЛАР-У, АММО...

Партия ва ҳукуматимиз умумий ўрта таълим ишини янада ривожлантириш борасида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари»да: **«Умумий ўрта таълим ривожлантирилсин ва такомиллаштирилсин. Ўрта мактабда таълим-тарбия иши даражаси оширилсин. Ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати яхшилансин»**, — деб таъкидланади.

Маълумки, ўнинчи беш йиллик самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. Бу эса умумий ўрта таълим ишини янада яхшилашни талаб этади. Мактабларни янги ўқув йилига беками-кўст тайёрлаш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув кабинетлари, спорт заллари, интернатлар, ўқитувчилар учун уй-жойлар қуриш, мактабгача тарбия муассасалари ишини яхшилаш шулар жумласига киради.

Тўққизинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида Сурхондарё областидаги ёшларнинг 71 процента умумий ўрта таълимга жалб этилган бўлса, ҳозир бу рақам 97 процентга етди. Шу давр ичида фақат ўрта мактаблар сони 53 тага кўпайди.

Ҳозирги пайтда мактаблар ремонти кўпчилик районларда қизғин давом этяпти. Шўрчи ва Жарқўрғон районларининг маорифчилари эса бу муҳим ишни шараф билан адо этдилар. Ўтган йили республика Маориф министрлиги ва маориф ходимлари касаба союзи республика Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлган шўрчиликлар бу йил мактаблар ремонтини 15 июндаёқ тўла тугаллаб, рапорт бердилар. 12 мактаб капитал, 66 мактаб жорий ремонт қилинди. Янгидан 192 ўринли мактаб биноси, 140 ўринли боғча қуриб битказилди. 5 мактаб ошхонаси, 4 тир майдончаси бунёд этилди. Барча фан кабинетлари, устахоналар, спорт майдончалари қўлдан чиқарилди. Ўтин-кўмир ғамлаб қўйилди. Шу кунларда ўқувчиларни дарсликлар, ўқув қуроллари ҳамда ўқувчи формалари билан таъминлаш жадал давом этяпти.

Мусобақадош Жарқўрғон районининг маориф ходимлари ҳам шўрчиликлардан 10 кун кейин рапорт бердилар. 57 мактабдан 10 таси капитал, 47 таси жорий ремонт қилинди. Бу ишда колхоз-совхозлар, оталиқ ташкилотлари бебаҳо ёрдам кўрсатдилар. 1 сентябргача районда яна 4 та янги мактаб фойдаланишга топширилади.

Бироқ, ремонт ишлари ҳамма районларда ҳам кўнгилдагидек бораяпти деб бўлмайди. Хусусан, бу иш Бойсун, Шеробод, Ленин йўли районларида ўлда-жўлда. Биз яқинда Шеробод ва Ленин йўли районларида бўлиб, мактаблар ремонтини кўздан кечирганимизда шундай фактларга дуч келдик: ўртоқ Х. Маннопов директор бўлган Собир Раҳимов номли 27-ўрта мактабда жорий ремонт ҳалдан тащқари сифатсиз ўтказилган. Сувоқлар ёрилиб ва кўчиб ётибди. Ремонт ишлари санитария-гигиена қоидаларига хилоф ҳолда бажарилмоқда, синфхоналар хира бўёқлар билан чаплабташланганлиги сабабли кишининг ғашини келтиради. Бу ерда эстетикадан асар ҳам йўқ. Мактаб раҳбарлари, «ремонт тугалланди» деб тезроқ рапорт бериш учун ҳамма ишларни «хўжа кўрсин»га ўтказганлар, холос

Ўртоқ А. Тилавов директор бўлган Абдулла Набиев номли 31-ўрта мактабда бундан ҳам ғаройиб аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳам мактаб ремонти пала-партиш, сифатсизлиги устига юқори синф ўқувчилари кучи билан пахса девордан эгри-бўгри қилиб қурилаётган устахона ва кўмирхона биноси кишини таажжубга солади.

— Май ойидан бери пахса девор қурамиз деб тинкамиз қуриди. — дейди VIII синф ўқувчиси Х. Нормаматов. — «Алдагани бола яхши» деганларидек, мактабимиз раҳбарлари ўқувчиларни ишлатиб.. қурилган иморатларга тўланадиган ҳақни нима қилаётган эканлар? Буёғи бизга қоронғу...

Шеробод районидаги 37 мактабда 14 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олиши керак. 3 та мактабда капитал, 34 мактабда жорий ремонт ўтказиш, янгидан 480 ўринли 14 та синфхона, 2 спорт зали, 2 ошхона, 19 та фан кабинети, 8 устахона, 6 та тикувчилик устахонаси қуриш графиклари тузиб чиқилган. Бундан ташқари В. Қодиров номли совхозда 536 ўринли, «Коммунизм» совхозида 192 ўринли янги мактаб биноси қуриб битказилиши зарур. Аммо, янги ўқув йилига тайёргарлик соҳасида бу районда ҳозиргача қилинган ишлар талабга мутлақо жавоб бермайди. Мактаблардаги капитал ва жорий ремонтлар ниҳоятда сифатсиз бажарилган.

Ленин йўли районида бўлганимизда янада ғаройиб фактларнинг гувоҳи бўлдик. Бу ердаги 20 та мактабнинг 11 таси ўрта ва 9 таси 8 йиллик мактаблар. Шунинг қизиқки, саккиз йиллик мактабларда жорий ремонт бошланган. Аммо, ўрта мактабларнинг бирортасига ҳам қўл урилмаган. Бунинг сабабини суриштирганимизда район раҳбарлари ғалати гапни айтишди:

— Ўрта мактабларда ремонт бошланмай туришига сабаб икки министрлик ўртасидаги келишмовчиликдан иборат — дейди райком секретари ўртоқ Н. Туропов.— Маориф министрлигининг раҳбарлари ўрта мактаблар ремонтини асосан оталиқ ташкилотлар — совхозлар маблағи ҳисобига ўтказиш зарурлиги ҳақида кўрсатма берса, республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлари бунинг аксини қилишяпти. Улар оталиқ ташкилотлари — совхозлар маблағи ҳисобига мактабларни ремонт қилишни қатиян ман этиб телеграмма беришди. Мана энди, «Бор отангга, бор онангга!..» қабилида бўлиб, ўрта мактаблар ремонти тўхтаб турибди.

Дарҳақиқат, ҳали областдаги айрим оталиқ ташкилотлар раҳбарлари мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш соҳасидаги ўз вазифаларини етарли англаб етмаганлар. Шунинг учун ҳам улар мактабга оталиқ ёрдами уюштиришнинг моҳиятига жиддий эътибор бермайдилар. Уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмайдилар, ўқувкўргазмали қуроллар ҳамда инвентарлар олиш учун маблағ ажратмайдилар, янги ўқув йилига тайёргарлик ишига аралашмайдилар.

Бундай муносабат ҳозирги тайёргарлик ишларида ҳам яққол кўзга ташланяпти. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш соҳасидаги айрим ютуқлар соясидаги бу жиддий камчиликлар маҳаллий партия, совет органлари, оталиқ ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларида жиддий ташвиш кўзғаши керак. Акс ҳолда янги ўқув йили бошланадиган пайтда улар «аттанг» деб, ер чизиб қолишлари турган гап!

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ГДР. Росток портидаги юк кўтарувчи кранлар ўзининг замонавийлиги ва қудратлилиги билан диққатни тортади. Ҳозир бу ерда баландлиги 57 метр бўлган янги кран монтаж қилинмоқда. Суратда: кемалардан юк туширадиган янги қурилманинг монтаж пайти.

АДН—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

● ПРАГА. Ҳозирги вақтда ЧССРда меҳнаткашлар ҳаётида яқинда Млада-Болеслав шаҳридаги «Шкода» автомобиль заводида бошланган ташаббус кенг қулоч ёйди. Автомобиль заводи ишчиларининг «Ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги ва маҳсулотнинг сифати учун курашайлик» деган даъватини кўпгина саноат корхоналари қўллаб-қувватламоқдалар.

Прагадаги «Авиа-летняя» авиация заводининг коллективи бу ташаббусни биринчи бўлиб қўлватлади. Улар шу беш йил мобайнида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан умумзавод мажбуриятини қабул қилдилар. Корхонадагилар Москвадаги «ЗИЛ» автомобиль заводи ишчилари билан ўрнатилган дўстона алоқалар натижасида тўпланган тажриба шу мақсадга эришишга имкон беради деб ҳисоблайдилар.

ГДРда КОНТЕЙНЕРЛАРДА ЮК ТАШИШ УСУЛИ

● БЕРЛИН. Кумушдек ярқираб турган яшчиклар ортилган биринчи юк поезди ГДР темир йўлларида биринчи марта бундан таҳминан ўн йилча илгари қатнай бошлаган эди. Мана шу қумушранг составлар республикада юкларни контейнерларда ташишдан иборат янги система яратилганлигини билдирди.

Замон ҳар бир янгиликка баҳо бериш учун энг яхши мезондир. Ўтган йиллар юк ташишнинг бу усули ГДРда асосий усуллардан бири бўлиб қолганлигини исбот этди.

ДАЛАЛАР СУВГА СЕРОБ БЎЛАДИ

● БУДАПЕШТ. Венгрия гидросозлари Тисса дарёси бўйида янги автоматлаштирилган суғориш комплексини муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар. Бу комплекс бир ярим минг гектардан кўпроқ экин майдонларини суғориш имконини беради. Комплекснинг қурилиши кейинги йилларда Венгрияда ўтказилаётган мелиорация ишлари кенг программасининг бир қисмидир. Шу беш йилликда қарийб 150 минг гектар қурғоқчил ерлар оби-ҳаёт олади.

КЕМАСОЗЛАР ҲУЗУРИДА

● БУХАРЕСТ. Турну-Северин шаҳри кемасозлари йил бошидан бери ҳар бири 5 минг тонна ҳажмидаги 11 та танкерни сувга туширдилар. Руминиядаги шу кемасозлик корхонасининг меҳнат зафарномасига яна бир ғалаба ёзиб қўйилди. 5 минг тонна суюқлик сиғадиган кемалар қуриш йиллик программаси муваффақиятли адо этилди.

Турну-Северинда бу йил қурилган ёки қурилаётган кўпгина кемалар Совет Иттифоқи портларига жўнатилади.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БЕРЛИН

ГДР рационализаторларининг шу йилнинг олти ойи мобайнида ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлари бир йилда 1,9 миллиард марка иқтисодий самара беради. Бутун республикада новаторлар ҳаракати кенг қулоч ёзди. Ҳозир ГДРда новаторлар ҳаракатида ҳар тўрт меҳнатчидан бири иштирок этмоқда.

● БОГОТА

Бу ерда АНД битимига аъзо бўлган мамлакатлар стоматологларининг II конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция қатнашчилари соғлиқни сақлашнинг ана шу тармоғидаги аҳволни муҳокама қиладилар ҳамда Латин Америкасининг ана шу группировкасида қатнашувчи мамлакатларда стоматологларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи программани қабул қиладилар.

● ДАКАР

Африка мамлакатлари ўз телекоммуникациялар системасини барпо этишни олдиларида турган биринчи навбатдаги вазифалардан бири деб ҳисобламоқдалар. Фил суяги қирғоғи, Сенегал, Мавритания ва Марокаш министрларининг Дакарда бўлиб ўтган кенгаши ана шу проблемага бағишланди.

Сенегал пойтахтида эълон қилинган ахборотда кенгаш қатнашчилари телекоммуникациялар системасини тузиш лойиҳасини маъқуллаганликлари таъкидлаб ўтилади. Бу телекоммуникациялар системаси Абиджан, Дакар, Муакшот ва Касабланкани боғлайди. Кенгаш қатнашчилари шу системани пул билан таъминлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

● БУХАРЕСТ

Руминиянинг асосий ғаллакор районларида ҳосил ўрим-йиғими тугай деб қолди. Руминия Социалистик Республикаси қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва сув хўжалиги министрликларининг маълумотларига кўра, 1,6 миллион гектар майдондаги бугдой ўриб олинган. Бу эса бугдойзорлар майдонининг тахминан тўртдан уч қисмини ташкил этади.

● ВЬЕНТЬЯН

Бу ерда совет эстрада артистларининг гастроллари зур муваффақият билан ўтди. Совет санъатининг усталари Лаос ишчилари, деҳқонлари, хизматчилари, Халқ-озодлик армиясининг жангчилари ҳузурида икки ҳафта давомида 17 марта концерт бердилар. Совет артистларининг берган концертларини лаосликлар саммий нутқ олдилар ва маҳаллий матбуот бу концертларга юксак баҳо берди.

(ТАСС).

ВАРНАДА УЧРАШУВ

СОФИЯ, 28 июль. (ТАСС). БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков ва дўстлик визити билан Болгарияга келган РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску ўртасида Варнада учрашув бўлиб ўтди. Ҳар икки раҳбар БКП билан РКП фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни кўриб чиқдилар, ҳар икки мамлакат халқлари, социализм ва тинчлик иши манфаатларини кўзлаб ана шу муносабатларни бундан буён ҳам кенгайтиришга ва кучайтиришга интилаётганликларини изҳор этдилар.

Руминиядан келган ҳурматли меҳмон шарафига ўтказилган қабул маросимида Т. Живков Болгария — Руминия муносабатларига юксак баҳо берди. У халқаро проблемаларга тўхталиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи актида баён қилинган қоидалар Европадаги сиёсий иқлимга катта ижодий таъсир ўтказганлигини таъкидлади. Т. Живков Европа коммунистик ва ишчи партияларининг конференцияси марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида қардош партиялар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашнинг янги омили бўлганлигини уқтириб ўтди.

Н. Чаушеску жавоб нутқида РСР билан БХР ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик ҳар икки халқ манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини айтди. У Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференцияси якунлари устида тўхталиб, бу конференция Европадаги коммунистик партиялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун янги истиқбол очиб берганлигини, коммунистик партияларнинг таъсири ва обрў-эътиборини ўстиришга кўмаклашганлигини таъкидлади.

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

МАДРИД. (ТАСС). Ҳукуматга юборилган мурожаатномага мамлакатнинг саксонга яқин таниқли сиёсий арбоби, адабиёт, фан ва санъат намояндалари имзо чекдилар. Мурожаатномада Испания Коммунистик партиясининг ошкора иш кўришига дарҳол рухсат берилиши талаб қилинган. Аҳолининг катта қисми манфаатларини ифодаловчи коммунистик партияни тақиқлашни аввалгидек кўзда тутувчи демократияга қарши қонуннинг қабул қилиниши — оппозиция сафларини парчалаб ташлаш, испанлар орасига ишончсизлик уруғини сочиш мақсадини кўзловчи ўзига хос найрангдан бўлак нарса эмас, деб таъкидланади мурожаатномада. — Бу нарса ҳукумат программасида тилга олинган мақсадга — мамлакатда социал тотувликка эришишга мутлақо хизмат қилмайди. Шу билан бирга компартия фаолиятнинг тақиқланиши Испаниянинг сиёсий турмушини узил-кесил демократлаштириш жараёнини орқага суради, бу жараённи янада мураккаблаштиради ва қийинлаштиради.

«Биз Компартиянинг аъзолари бўлмасак ҳам, шуни бутун масъулият билан айтамизки, бу ташкилотга нисбатан камситиш характеридаги бирон-бир чора кўрила берар экан, мамлакатда гражданлик ҳуқуқлари бузила беради ва Испанияда демократияни қайта тиклаш тўғрисида гапириб ҳам бўлмайди», — деб таъкидланади мурожаатномада.

ХИТОЙДА ЗИЛЗИЛА

ПЕКИН, 28 июль. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 3 дан 40 минут ўтганда Пекинда зилзила рўй берди. Ер силкиниши тахминан бир минут давомида сезилиб турди. Бир оз вақт ўтгандан кейин бу силкинишлар анча суст ҳолда такрорланди. Пекиннинг кўп аҳолиси ўз уйларидан чиқиб кетишди. Шаҳарда сезиларли вайронагарчилик йўқ. Бирок эски уйларнинг деворларида дарз кетган жойлар бор.

ХХР ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлими вакилининг хабар беришича, асосий зилзиланинг кучи рихтер шкаласи бўйича 7,3 балл бўлган. Зилзила эпицентри Пекиндан 150 километр жануби-шарқдадир.

ЖАНУБИЙ АФРИКА ИРҚЧИЛАРИНИНГ АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). БМТ Хавфсизлик кенгаши Жанубий Африка режимининг суверен давлат — Замбия республикасига қарши агрессия ҳаракатларини кўриб чиқиш учун шошилинч мажлисга тўпланди.

Хавфсизлик кенгашининг аъзолари Замбиянинг илтимосига биноан чақирилган мажлисда Жанубий Африка Республикасининг қуролли кучлари якинда Замбия территориясидаги Сиалола аҳоли пунктини ўққа тутганлигидан хабардор қилинди. Жанубий Африканинг самолётлари Замбиянинг бир қанча қишлоқларини бомбардимон қилди. Натижада кўп киши қурбон бўлди.

Претория режимининг навбатдаги агрессия ҳаракати Африка китъаси жанубида қаҳр-ғазаб ва норозилик тўлқинини кучайтирди. Замбия ташқи ишлар министри С. Мвале ўз нутқида Жанубий Африка Республикасининг агрессия ҳаракатлари Африкадаги мустакил давлатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига қаттиқ таҳлика солаётганлигини айтди.

Бир қанча делегатлар ўз нутқларида Жанубий Африка Республикасининг Африкадаги суверен мамлакатларга қарши қилаётган қуролли ғиғогарликларига чек қўйилсин, деб қаттиқ талаб қилдилар. Хиндистон вакили Р. Жайпал шуни таъкидладики, Жанубий Африка иркчилари Африка жанубидаги кескинликни жўрттага кучайтириб, шу тариқа халқларнинг озодликка ва мустақилликка бўлган интилишини бўғиб ташлашга уринмоқдалар.

Хавфсизлик Кенгаши бу масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

ОҚОЛТИНЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Ўнинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида она-Ватанга 355 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга қарор қилган Сирдарё областининг азамат деҳқонлари дала ишларини ҳар тарафлама кучайтирмоқдалар. Июль ойида ҳосилга ҳосил қўшиш мақсадида ғўзаларни чеканка қилиш бошлаб юборилди. Ҳозир область далаларида 351 чеканка қилиш агрегати ҳамда 5600 ишчи ва колхозчи чеканка қилишни давом эттирмоқда.

Оқ олтин райони деҳқонлари чеканкага биринчи бўлиб киришишган эди. Қисқа вақт ичида 5 минг гектардаги ғўза чеканка қилиб қўйилди. Райондаги Ворошилов номли, «Фарғона», Усмон Юсупов номли, «Партия XXIII съезди» совхозларида ғўзаларни чеканка қилиш ҳар тарафлама намунали олиб борилмоқда.

Шунингдек, областнинг Сирдарё, Ворошилов районларида ҳам чеканка қилиш ҳун сайин қизиб бормоқда. Жумладан, Ворошилов районида қисқа вақт ичида 3000 гектардаги ғўза чеканка қилиб қўйилди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ТУҲФАСИ

Қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутениттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб астойдил меҳнат қилаётган Китоб райони паррандабоқарлари зафар қучдилар. Давлатга тухум сотиш йиллик плани муддатидан олдин шараф билан бажарилди. Қабул пунктларига пландаги 2.400 минг дона ўрнига 2.415 минг дона тухум етказиб берилди.

Меҳнат ғалабасига Улуғбек номли, Карл Маркс номли, Ленин номли, Қуйбишев номли колхозлар, «Китоб». «Шаҳрисабз» совхози паррандабоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

Район паррандабоқарлари беш йиллик планни уч йилда бажаришга аҳд қилганлар. Шу кунларда ўнинчи беш йиллиқнинг иккинчи йили ҳисобига тухум топириш қизғин бораяпти.

Ҳ. РАҲМОНОВ,
Қашқадарё области.

БОСИЛМАГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

МЕҲНАТ НАШЪАСИ

Редакцияга Мурманск шаҳар денгиз инженерлари тайёрлаш олий ўқув юртининг курсанти Мухторжон Абдуллаевдан қуйидаги мазмунда хат келди:

— Мен серқуёш Ўзбекистоннинг Бахмал районида вояга етдим. Туғилиб ўсган жойимни қўмсайман. Бахмал... Исмижисмига монанд, серманзара, сўлим қишлоқлар. Айниқса, меҳнаткаш, дилкаш ва сермулозимат одамларини айтмайсизми! Буларнинг ҳаммаси мени завқлантиради. Аммо, Бахмалнинг нообод қишлоқлари одамларга маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги нуқсонлар, болалар боғча-яслиларининг камлигидан хижолат тортаман...

Ушбу хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда қайд қилинган камчиликларнинг олдини олиш юзасидан нима ишлар қилинаётгани тўғрисида Бахмал район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Маллаев бизга қуйидагиларни билдирди:

— Курсант ўртоқ М. Абдуллаевнинг хатида келтирилган эътирозлар, таклифлар тўғри. Район партия, совет ташкилотлари қишлоқларни бош план асосида қайта қуриш, меҳнаткашларга савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб чиқди ва уни изчил амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, Бахмал районининг тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, меҳнат аҳлига қулайликлар яратиш, янги уй-жойлар, мактаблар қуриш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари барпо этиш соҳасида анча ишлар қилинди. Чунончи, аҳолига ўн-ўн икки турда хизмат кўсата оладиган маиший хизмат кўрсатиш комбинати, янги «Универсал» «Гастрономия» магазинлари 784 ўринли муҳташам мактаб биноси, иккита совхозда 90 ўринли болалар боғчаси, 60 оилага мўлжалланган янги турар-жой биноси ишга туширилди.

Район марказида ҳар бири 200-300 ўринли қишки ва ёзги «Ешлар клуби», 6385 китоб фондига эга бўлган кутубхона қурилди. Халқимизда яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деган нақл бор. Баракали меҳнат завқини суришга нима етсин. Шу кунларда совхозлараро «Узунбулоқ» дам олиш зонаси ишга туширилятпи, Бадиий ҳаваскорлик ҳаракати янада яхшиланди. Район маданият уйи қошида ташкил этилган «Бахмал» ансамбли колхоз, совхоз далаларида, чорвачилик фермаларида меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Бахмал район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бундан буён ҳам аҳолининг турмуш маданиятини янада юксалтиришга, янги урф-одатларни, анъаналарни меҳнаткашлар ўртасида кенгроқ татбиқ этишга эътиборни кучайтирадилар.

СПОРТИМИЗ ШУҲРАТИ

XXI ёзги олимпия ўйинлари охирламоқда. Ташкилотчилар ҳозирлаб қўйган 198 медаллар комплектидан 136 таси ўз эгасини топди. Спортчиларимиз жамғармасидаги олтин медаллар 33 тага, кумуш медаллар 31 тага ва бронза медаллар 23 тага етди. Олимпиаданинг ўн иккинчи куни совет спортчилари тўртта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаль олдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Кейинги олимпиадаларда босқон улоқтиришда чемпионлик медалини совет спортчилари олиши анъана бўлиб қолган эди. Бу сафар ютуқ янада катта бўлди — ҳар уччала совринли ўрин вакилларимизга тегди. Спортчилар олти марталаб ўртага тушишди, энг яхши натижага эса киевлик Юрий Седих эришди — 77 метру 52 сантиметр. Қизиғи шундаки, унинг устози, Мюнхен олимпиадаси чемпиони Анатолий Бондарчук бу гал учинчи бўлди — 75 м 48 см. Ленинградлик Алексей Спиридонов улар билан баҳсда кумуш медалли (76 м 8 см) бўлди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК. Рим, Мехико ва Мюнхен олимпиадаларида бўлганидек бу сафар ҳам рапирачи аёллар баҳсида СССР терма командаси зафар қучди. О. Князева, Е. Белова, В. Сидорова, Н. Гилязова ва В. Никоновалардан иборат командамиз ҳал қилувчи босқичда француз қиличбозларини 9:2 ҳисобида ютиб, олтин медаль олдилар.

ҚУЛ ТУПИ. Аёл баскетболчиларимиздан сўнг спортнинг ўйин турларида делегациямизга гандболчилар олтин медаль келтиришди. Олимпиаданинг ана шу юксак мукофоти баҳслари аёлларда СССР билан ГДР, эрканларда эса румин ва совет гандболчилари ўртасида ажрим бўлди. Биринчи учрашув 14:11, иккинчиси эса 19:15 ҳисобида спортчиларимиз ғалабаси билан тугади. Шу зайл нўш олтин медаль қўлга киритилди.

ДЗЮ-ДО. Урта вазнли полвонлар беллашувларида Европа чемпиони, киевлик Валерий Двойников олимпиаданинг кумуш медалини олишга муяссар бўлди.

БОКС. Чарм қўлқоп усталарининг чорак финал баҳсларн тугаб, камида бронза медаль оладиган 44 нафар кучли боксчи аниқланди. Улар орасида совет спортчиларидан Даанд Торосян, Василий Соломин, Виктор Рибаков, Виктор Савченко ва Руфат Рисқиевлар бор. Тошкентлик боксчи сўнггги «жанг»да понистонлик спортчи устидан ғалабага эришди.



Суратларда: (юқорида) қиличбозлик бўйича олимпиада олтин медалини олган СССР командаси аъзолари В. Кровопусков, В. Назлимов, В. Сидяк ва Э. Винокуров; (пастда) жаҳоннинг энг кучли штангачиси олимпиада чемпиони В. Алексеев.

Жонажон Ватан бўйлаб

ТАСС

ПИСТАЗОР

АШХАБОД. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти Туркманистон тажриба станциясининг олимлари Сумбар водийсида республикада биринчи пистазор барпо этдилар. Бу ерда Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжоннинг эчг яхши писта навлари ўстирилади. Писта суғоришни талаб этмайдиган дарахт. Бошқа ҳар қандай дарахт ёзни сувсиз ўтказа олмаса, писта ердаги намлик билан ўсаверади, 500 йил ва ундан кўп яшайди. Боғдаги писта ёввойисига нисбатан ўн баравар кўп ҳосил беради.

ЯГОНА АГРОХИМИЯ

«Сельхозтехника»нинг Орлов область бирлашмаси ҳузурида колхозлар билан совхозларга ишлаб чиқариш ва агрохимия хизмати кўрсатадиган янги трест тузилди. Районлардаги ўн бешта агрохимия марказининг иши эндиликда ана шу трестда планлаштирилади ва координация қилинади.

«Сельхозтехника» ихтисослаштирилган бўлимларнинг хизматидан фойдаланиш колхозлар билан совхозларга ҳам қулай, ҳам манфаатлидир. Хўжаликларга ўғитларни ташиш ва далага чиқариш икки баравар осон тушади, махсус техникани ҳарид қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, хўжалик минерал ўғитлар учун омборлар қуришга ҳам маблағ сарфламайди — бундай омборлар барча агрохимия марказларида бор.

ТЕХНИКАВИЙ СЕРВИЗ

Харьков область «Сельхозтехника» Богобуховский бирлашмаси томонидан таклиф қилинган хизмат кўрсатишнинг янги тури техниканинг пухта ишлашини анча яхшилайди, тракторлар билан комбайнларнинг ремонт муддатини қисқартиради. Бу ерда машиналарнинг нуқсонларини тугатиш хизмати ташкил қилинган.

Бу операцияни эндиликда хўжаликлар бажармайди. Балки бирлашма ходимлари замонавий диагностика аппаратларидан фойдаланиб, ана шу нуқсонларни аниқлайдилар.

Бундай хизматлар ҳозир «Сельхозтехника» район бўлимларининг ҳаммасида тузилмоқда.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Туркистон автомобиль транспорти корхонасининг шофёри Улубден Файзиков автомобиль поездида янги ҳосилдан икки минг тонна дон элтиб берди. Бутун бир темир йўл составига юкланадиган бу қадар кўп ғаллани ўрим-йиғим бошланганидан буён Қозоғистон автомобилчиларидан ҳали ҳеч ким таший олгани йўқ. У. Файзиков эришган муваффақият — ҳам юксак шофёрлик маҳоратини, ҳам электр ҳисоблаш машинаси тузиб берган соатлик иш графигининг натижасидир.

Қозоғистонда ўрим-йиғим фронти ҳозирнинг ўзидаёқ икки минг километрдан зиёдроқ масофага чўзилиб кетган. Бу ерда уч мингтадан зиёдроқ автомобиль поездлари далалардан ва хирмонлардан элеваторларга ғалла ташимоқда. Уларнинг кўпчилиги ахборот-ҳисоблаш марказлари тузиб берган соатлик график асосида ишламоқда.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ИБРАТ

Милиция капитани Собир Носиров дафтарга: «Ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади» деб ёзиб қўйди. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг участкасида унинг навбатчилигидаги иш якуни шундай бўлди. Қишлоқда 14 минг киши истиқомат қилади. Бу ерда юзлаб уй-жойлар, кўпдан-кўп магазинлар, маданият саройи, стадион бор. Ҳамма жойда тартиб-осойишталик ҳукмрон.

Тартиббузарларнинг йўқлиги — милиция билан жамоатчилик ҳамдўстлигининг натижаси. Бу ердаги колхозда таянч пункти тузилганидан кейин милиция билан жамоатчиликнинг ҳамкорлиги айниқса мустаҳкамланди. Илгаригидек бу ерда халқ дружинаси актив ҳаракат қилиб турибди. Ҳар куни кечқурун оператив группалар навбатчилиққа чиқадилар. Жамоат тартиби нормаларини бузмоқчи бўлганлар ҳаққоний жазодан қочиб қутулолмайди. Лекин таянч пункти ўз ишида асосий эътиборни кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратади. Бу ерда тартиб бузишлар олдини олиш юзасидан кенгаш тузилган. Бу кенгаш составига колхоз правленияси, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, милициянинг вакиллари кирган.

Кенгаш аъзолари ишлар аҳволини таҳлил қилиб, оила ва мактаб таъсиридан четда қолган ўсмирлар кўпроқ тартиб-қоидаларни бузади, деган фикрга келишди. Шунинг учун ҳам оила ва мактаб таъсиридан четда қолган болалар орасида активистлар астойдил тарбиявий иш бошлаб юбордилар.

Валерий Х. бир куни ўзганинг мотоциклида сайр қилишни хоҳлаб қолди. Бу йигитчани жазолашди. Шу билан бирга унга ёрдам ҳам беришди. Валерий кенгашнинг тавсиясига биноан спорт секциясига ёзилди. Кейин уни далачилик бригадасига юборишди. Бу ерда эса тажрибали мураббий Валерийни оталиққа олди. Тез орада йигитчанинг фотосурати ҳурмат тахтасида кўзга ташланиб қолди.

Таянч пунктининг активистлари билан қилинган суҳбатлардан кейин ўғилбўйи ўспиринлар ўз ҳаёқатлари ва истеъдодларини спорт комплексида намоён этишмоқдалар. Ёшлар колхозда маданият саройи ҳузурида тузилган 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашмоқдалар. Колхознинг далалари ва фермаларидаги меҳнат ўсмирларнинг кўпчилиги учун жуда соз мактаб бўлиб қолди.

Спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлайдиган шахслар профилактика кенгашининг диққат марказидан четда қолгани йўқ.

— Биз уларнинг устидан доимий контроллик ўрнатдик, — дейди таянч пункти бошлиғининг ёрдамчиси коммунист И. Ли, — биз уларни илғор бригадаларга юборib, энг яхши мураббийларни биркитиб қўямиз. Одатда бу яхши натижа бермоқда.

Ичкилик оқибатида оиласида ҳам, хизматида ҳам иши ўнгидан келмаган Н. Владимирни ўйлга солиш учун активистлар анчагина иш қилдилар. Кенгаш аъзолари Владимирни ота-онаси меҳнат қилаётган далачилик бригадасида ишлашга кўндирдилар. Боласини тарбиялай олмаган деҳқон коллективнинг кучи билан ўғлини тўғри йўлга солиб олди.

Қизиқарли яна бир воқеага муфассал тўхтаб ўтайлик: «Политотдел» колхозининг қўйгина ишлаб чиқариш бригадаларида кенгаш таклифига мувофиқ, гуноҳкор ўртоқлар устидан коллектив васийлик ўрнатилди. Интизом, социалистик ҳуқуқ тартиби сал бузилдими, бу бригадаларнинг йиғилишларида дарҳол муҳокама қилинади. Айни пайтда коммунистлар, комсомоллар, социалистик мусобақа пешқадамлари собиқ қонунбузарлар тўғрисида ўйлайдилар уларга эътибор билан қарайдилар, ёрдам ва мадад берадилар.

Таянч пункти ҳуқуқий билимларни пропаганда қилиш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Прокуратура, милиция ходимлари билан учрашувлар, лекциялар ташкил этилади.

«Политотдел» колхози активистларига, — деб ёзади ЎзТАГ мухбири О. Осипов, — Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг «Жамоатчилик ва милициянинг энг яхши таянч пункти» деган кўчма байроқчаси топширилди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

АРГЕНТИНА ТАРОНАЛАРИ

Серқуёш республикамиздаги Свердлов номли концерт залида аргентиналик санъаткорларнинг гастроллари бошланди. Меҳмонларимиз ўзларининг «Аргентина тароналари ва ритмлари» номли катта эстрада программасини олиб келишган.

Аманда Видаль, Эдуардо Эспиноса, Анибал Ариас сингари аргентиналик қўшиқчилар ўз санъатлари билан қўшиқ шайдоларининг олқишига сазовор бўлмоқда. Томошабинларда «Маламбо» чолғу триосининг ва «Буэнос-Айрес» рақс ансамблининг қувноқ қўшиқ ва рақслари катта таассурот қолдирмоқда.

А. РУЗИЕВ.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Нарпай районидаги «Правда» колхозида турли маданий-маиший ва уй-жой бинолари қурилмоқда. Суратда: хўжаликнинг марказий қўрғонида қад кўтарган клуб биносининг кўриниши.

С. Маҳкамов фотоси.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

САРИЁҒОЧДАГИ 30-ҚИШЛОҚ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«К-700» маркали трактор машинистлари, янги маркадаги комбайнларнинг комбайнчи-тракторчилари. Ўқиш муддати уч ой; чорвачилик фермалари ускуналарининг слесари. Ўқиш муддати—олти ой; учинчи классли тракторчи-машинист, слесарлик малакаси билан шофер. Ўқиш муддати — 1 йил; бульдозерчи-грейдерчи, ошпаз-кулинар, сантехника техникасини ремонт қилиш бўйича слесарь, кенг профилдаги тракторчи-машинист, дурадгор (қурилишда). Ўқиш муддати — 2 йил; кенг профилдаги тракторчи-машинист, дурадгор (қурилишда). Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўнинчи, ўн биринчи синфларни тугатган ва Совет Армияси safидан запасга қайтган шахслар учун қисқа муддатли курслар ташкил этилади. Ўқиш муддати — 8 ой.

Икки ва уч йиллик курсларга 15 ёшдаги саккизинчи синф маълумотидаги ёшлар қабул қилинади, бир йиллик курсларга эса 17 ёшдаги еттинчи синф ва ундан юқори маълумотдаги ёшлар қабул қилинади.

Билим юртида кечки мактаб ишлаб турибди.

Ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ўрта мактабларни битириб чиққан ўқувчилар текин овқатланиш билан бирга стипендия ҳам оладилар.

Уч йиллик курсларни битириб чиққан ёшларга ихтисосни эгаллаш билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ҳам берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга техникумларга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, қисқа автобиография, яшаш жойидан ва оилавий аҳволи ҳақида справка; туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, сохрги ишлаб турган жойидан (ўқиб турган еридан) характеристика, 6 та фотосурат (3x4 см ҳажмда).

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Чимкент область, Сариёғоч шаҳри, 30-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юрти (транспорт — Тошкентдан: «Тошкент — Сариёғоч» автобуси, «Тошкент — Ченгелди» шаҳар атрофи поезди, Сариёғоч бекати)

МЕБЕЛЛАР КОСМЕТИКАСИ

Халқнинг қадимий эртакларида сеҳргар кишиларнинг кўз очиб юмгунча ўтган вақт ичида яратган мўъжизалари ҳақида кўпгина гаплар айтиб ўтилган. Бугунги кунда сеҳрли химиянинг уй бекаларига яқиндан бераётган ёрдами афсона бўлмай, балки оддий хизматга айланиб қолган. Химия мўъжизалари туфайли идиш-товоқларни чиннидек ювиш, дераза ойнасини яраклатиб артиш, мебелларни яна янгидек қилиш мумкин.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ АНА ШУ МУЪЖИЗАЛАРНИНГ ҲАММАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

«ИСКРА-72» препарати мебелларни чанг ва ҳар хил доғлардан яхши тозалайди, уни янгидек қилиб, сиртини ялтиратади.

«ПОЛИРОЛЬ-2» — такомиллашган препарати мебеллардаги чанг ва доғларни осонгина кетказади, мебелнинг ташқи кўринишини кўркам қилади.

«ПОЛИРОЛЬ-3»нинг таркибида юқори сифатли мой, махсус қоришма ва қўшимчалар бор.

Ана шу тозалаш воситаларидан мунтазам фойдалансангиз, квартирангиздаги мебеллар ўзининг асли кўринишини йўқотмайди.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА».

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети

1-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: КОНТРОЛ-УЛЧОВ АСБОБЛАРИ ВА АВТОМАТИКА БУЙИЧА СЛЕСАРЛАР, СОБУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ МАШИННИСТЛАРИ, МАШИНА ВА УСКУНАЛАРНИ СОЗЛОВЧИЛАР, НОНВОЙЛАР, ПИВО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АГРЕГАТЛАРИНИНГ МАШИННИСТЛАРИ, УНЛАРНИ ҚОПСИЗ САҚЛАЙДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАРНИНГ ОПЕРАТОРЛАРИ, ХАМИРЛАРНИ БУЛАКЛАРГА БЎЛИШ МАШИНАЛАРИДА ИШЛОВЧИ МУТАХАССИСЛАР, КОНДИТЕРЛАР.

ҲУЖЖАТЛАР — 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига 8-10 синфни битирганлар, 16-25 ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар кунига 3 марта бепул овқат, формали кийим, бош ва махсус иш кийимлари ҳамда ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт (ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма), 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

ЭСЛАТМА: нонвойлар касби бўйича ҳужжатлар 2-нон заводида расмийлаштирилади.

Билим юртининг адреси: Тошкент область, Оржоникидзе райони, Салор посёлкаси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар составидаги ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доценти: даволаш факультетининг болалар касалликлари, сил касаллиги, нормал физиология, биохимия, биология, 1 даволаш факультетининг умумий хирургияси; суд медицинаси (доцентлар, фан кандидатлари);

кафедра ассистентлари: даволаш факультетининг болалар касалликлари (3), сил касаллиги, госпитал хирургик стоматология (2), меҳнат гигиенаси, санитария-гигиена ва стоматология факультетининг болалар касалликлари, психология (2);

Тошкент Давлат медицина институтининг кардиология илмий-текшириш институти бўйича:

Медицина генетикаси группасига эга бўлган эпидемология, ёмон қон айланиши билан бирга юракнинг ишемик касаллиги, артериал қон босими, игна санчиш билан даволаш группаси билан бирга кардио-церебраль потологияси (фан доктори, фан кандидатлари) лабораторияларига — мудирлар;

Медицина генетикаси группаси билан бирга эпидемология, ёмон қон айланиши группаси билан бирга юракнинг ишемик касаллиги (2 фан доктори, фан кандидатлари) лабораторияларига — катта илмий ходимлар;

Группалар: тадқиқотнинг электрофизиологик методлари, ангиография, ташкилий-методик бўлим (фан доктори, фан кандидати);

Медицина генетикаси группаси бўлган эпидемология лабораторияларига — кичик илмий ходимлар;

Группалар: тадқиқотнинг электрофизиологик методлари, ангиография, ташкилий-методик бўлим.

Кардиология ихтисоси бўйича клиник ординатурага (10 та ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 28 АВГУСТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси 103-уй.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими Давлат комитети

138-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ. Сен машинасозлик саноати корхоналарида ишлашинг, компрессор станцияларини йиғишинг, мураккаб токарлик, фрезерчилик, силлиқлаш ишларини бажаришинг, биллур буюмлар ясай олишинг мумкин.

Билим юртимизда сенга буларни ўргатишади.

Сен бу ерда токарлик касбини, асбоб-ускуналар ремонти бўйича слесарь-асбобсоз, фрезерчи, металл силлиқловчи, автомобиль ремонти слесари, биллур силлиқловчи ҳунарларини ўрганишинг мумкин.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ва 2 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА — 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР 3 МАРТА БЕПУЛ ОВҚАТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ МАОШИНИНГ БИР ҚИСМИ, КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ЗАВОД ҚОШИДА ИШЧИ-ЕШЛАР МАКТАБИ БОР.

Билим юртидаги ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ 9.00 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳол, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома (асли), турар жойидан, соғлиғи тўғрисида, ота-онасининг иш жойидан справкалар; мактабдан характеристика, 3x4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри-57, Уста Ширин кўчаси, 116-уй (14, 56-автобусларнинг, 7,10-троллейбусларнинг «Компрессор заводи», 43, 67, 10-троллейбусларнинг «Агрегат заводи» бекатлари), Телефон: 49-93-84.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Бор эканда, йўқ экан. 11.15— Концерт. 12.00 — XXI ёзги олимпия ўйинларида. 15.55 — Ҳужжатли фильмлар. 16.45 — Муроднинг сеҳрли китоби (бадиий фильм). 17.50 — Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати. 18.20 — М. Ю. Лермонтов поэзияси. 19.00 — Янгиликлар. 19.30 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.40— БАМнинг меҳнат суръаги. 20.10 — Концерт. 20.30 — Санъат усталари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — XXI ёзги олимпия ўйинларида.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Музикали телефильм. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Кумуш гренер (бадиий фильм). 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.55 — Касбим — фахрим. 19.25 — Бекобод цемент заводи (2-кўрсатув). 19.45 «Ахборот». 20.00 — Файзулла Хўжаев туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.40 — Фильм-концерт. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Пахта териш машиналари шай бўлсин. 21.40 — Маъмура Эргашева ва Ҳайрулла Лутфуллаев концерти. 22.25 — Кино оламида. 23.25 — Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Ғирром ўйин (бадиий фильм). 20.35 — Тошкент янгиликлари. 20.50 — Телефильм. 21.20 — Меҳнаткашларнинг хатларига алоҳида эътибор берайлик. 21.50 — Оперетталардан саҳналар.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30, 31/VII да Антигона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/VII Ўжарлар, 31/VII да Кўнгли ёш қариялар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Латвия ССР артистларининг гастроллари. «УССУРИЙ ЛЎЛБАРСЛАРИ» аттракциони. (19.30).

Кино

Зита ва Гита — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20). «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Порт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тошкин (3, 4-серийлар) — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.40).

●

Узбекистон ССР Маданият министрлиги

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕАТР ВА РАССОМЧИЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ

1976—77 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚУШИМЧА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АКТЕРИ (Ўзбек группаси).

Ўқиш муддати — 8 ой.

Институтга кирувчилар танлаган ихтисосдан имтиҳон топширадилар (шеър, монолог, ҳикоя, масал, импровизацион этюд, вокал ва музика лаёқатини текшириш, санъат масалалари бўйича суҳбат).

Институтнинг тайёрлов бўлимига кириш тўғрисидаги аризалар 10 сентябргача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 11 СЕНТЯБРДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Стипендия умумий қондага мувофиқ берилади.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Институт адреси: 700031, Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй.

●

ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОН ВА КЎП НУСХАЛИ ГАЗЕТАЛАРНИНГ РЕДАКТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

газета сарлавҳаларини мис штампларда тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Справкалар олиш учун 33-29-27 телефон номери бўйича мурожаат қилинг.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти; № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 01549. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 177.